


# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАН СЕНАТ АЪЗОСИ САЙЛАНДИ

Шу йилнинг 26 март куни Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида Халқ депутатлари Тошкент вилояти, шаҳар ва туман кенгашлари депутатларининг бўшаб қолган ўринга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сайлови бўйича қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Қўшма мажлисда вилоят давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлари, фаоллар, Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижаларига кўра, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши раиси Содиқ Абдуллаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 28 март куни бўлиб ўтган мажлисида С. Абдуллаевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати бешинчи ялпи мажлиси 2016 йил 31 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2016 йил 30 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсидида рўйхатга олинади.

## Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида: "Биз учун асосий вазифа – ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан узлуксиз янгилаб бориш, доимий равишда ички имконият ва захираларни излаб топиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, sanoatни модернизация ва диверсификация қилишни изчил давом эттиришдан иборат бўлиши зарур", дея алоҳида қайд этди.

Дарҳақиқат, иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини ошириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмларини кўпайтиришда илгор ва замонавий технологик линиялар билан жиҳозланган корхоналарнинг аҳамияти катта. Шу боис, кейинги йилларда sanoat тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилашга катта эътибор қаратилмоқда.

Вилоятимизда ҳам мазкур йўналишда олиб борилаётган ислохотлар эътиборга молик. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар туфайли ҳудудларнинг экспорт салоҳияти юксалмоқда, жойларда янги-янги иш ўринлари яратилаяпти.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти sanoat салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида"ги Қарори асосида ўтган уч йил давомида вилоятда 1 миллиард 738 миллион АҚШ долларлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 406 та ишлаб чиқариш

## САНОАТ ВА САЛОҲИЯТНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

субъекти фаолияти йўлга қўйилди. Эътиборлиси, аynи пайтда бу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Чирчиқ шаҳридаги трикотаж кийимлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Лукбо текстиль" масъулияти чекланган жамияти ҳам иқтисодиётимиз ривожига ўзининг муносиб улушини қўшаётган sanoat

тузилмаларидан саналади. Таъкидлаш кераки, ҳаётий дастурлар шарофати билан корхонага 2014 йилда 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилди. Бу билан асосан болалар кийим-бошлар тайёрлашга ихтисослашган корхона имкониятлари кенгайиб, ўсмирлар ва катталар кийимларини тайёрлаш ҳам

йўлга қўйилди. Аynи пайтда корхонанинг ранг бериш ва гул босиш, бичиш, тикиш ҳамда дазмоллаш бўлимларида 1100 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. – Бугун тадбиркор биринчи навбатда бозор талабларини ўрганиши, дунё бозоридаги вазиятдан хабардор бўлиб туриши керак, – дейди корхона бош директори Маҳмадали

Курбонов. – Шу боис, хорижий давлатларда ташкил этилган кўргазмаларда ҳам иштирок этиб, янги буюртмаларни қабул қилаёмиз. Ўз навбатида, бу маҳсулотларимиз тури ва сифатини ошириш, янги, замонавий дизайн ва андозалар устида ишлашимизда аynи муддао бўлаяпти

Давоми 2-бетда. ➡

## Яна тўловлар ҳақида

Турмушимизни обод ва файзли қилувчи омиллар кўпи. Аммо, биз ҳаммиша ҳам уларнинг қадрига етавермаймиз.

Хонадонларимизда эртаю кеч ёниб турган зангори оловни, ҳеч иккиланмай, ана шундай бебаҳо неъматлар сирасига қўша бўлади.

Шу ўринда ҳақли са-

## ҚАРЗ БАРАКАНИ КЕТКАЗДИ

вол туғилади. Ҳўш, эл-юрт бойлиги ҳисобланган табиий газдан тежаб-тергаб фойдаланиш ва унинг истеъмоли учун тўловларни вақтида амалга оширишнинг бугунги ҳолати қандай?

Афсуски, ҳамма жойда ҳам бу борадаги вазиятни ижобий, деб бўлмайди. Ҳар қалай, "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси томонидан тақдим этилган маъ-

лумотлар шундай дейишга асос беради. Масалан, ўтган йили истеъмолчиларга 610,5 миллиард сўмлик табиий газ етказиб берилгани ҳолда, 479,6 миллиард сўмлик тўлов ундирилган. Мана шу рақамнинг ўзиёқ истеъмолчи масъулияти ва таъминотчи жавобгарлигини ошириш, улар ўртасидаги муносабатларни янада изчиллаштириш бўйича ҳали кўп

иш қилишимиз лозимлигини аниқлатади.

Албатта, аynи пайтда вилоятда мавжуд қарздорликни камайитириш борасида диққатга молик ишлар қилинапти. Бу жараёнда кенг жамоатчилик, маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш ҳамда назорат қилувчи идоралар вакилларидан иборат гуруҳлар самарали фаолият олиб бораёпти.

Давоми 2-бетда. ➡

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2016 йилнинг май-июнь ойларида "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда яна бир муҳим ижтимоий-сиёсий жараённи бошлаб берди.

## Бугуннинг гапи

## МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ ЭРТАГА КИМ БЎЛАДИ?

Ҳар бир миллат ва халқнинг ўзига хос анъана ва қадриятлари борки, улар асрлар ўтсада, ўз мазмун-моҳиятини йўқотмайди. Таъбир жоиз бўлса, маҳалла тушунчаси айнан бошқа миллатларда мавжуд бўлмаган ана шундай қадриятларимиздан биридир. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мустақиллик йилларида маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада кенгайтириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётиимиздаги ўрни ва таъсирини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Яна бир жиҳат шуки, ҳар бир фуқаро жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ёки сайланадиган вакили орқали ўзини ўзи бошқаришда тенг ҳуқуқларга эга бўлди. Қонун билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришига доир ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади, уларнинг фаолиятига давлат органлари, шу қаторда бевосита мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди.

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида мувофиқ, 2013 йил 22 апрелда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғри-

сида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳририда қабул қилинганлиги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ҳамда фаолият йўналишидаги ваколатларини янада кенгайтириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётиимиздаги ўрни ва таъсирини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Яна бир жиҳат шуки, ҳар бир фуқаро жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ёки сайланадиган вакили орқали ўзини ўзи бошқаришда тенг ҳуқуқларга эга бўлди. Қонун билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришига доир ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади, уларнинг фаолиятига давлат органлари, шу қаторда бевосита мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмайди.

Давоми 2-бетда. ➡

## «ИСТИҚЛОЛ АСЛИ НАДИР, ИСТИҚЛОЛ БУ – ҚАДРДИР!»

### Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги олдидан

Энг улуғ, энг азиз байрам – мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан Тошкент вилояти туман ва шаҳарларидаги барча таълим муассасаларида "Ким эдигу ким бўлди, эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак?" мавзuida таълим маданияти, адабиёт ва санъат намояндалари билан ёшлар учрашувлари бошланди.

Бу йил халқимиз эзгу орау-умидлар билан мустақиллигимизнинг кутлуғ йиғирма беш йиллигини нишонлайди. Бу тарихан анчайин қисқа фурсат. Аммо, уни инсон умрига муқояса қилсак, аynи навқирон, куч-қудратга тўлган, бунёдкорлик ишчи жўшган палладир бу.

Чорак аср остонасидаги мана шундай кутлуғ кунларда ўзини шу юрт фарзандиман, деб фахр билан айта оладиган ҳар бир инсон ортига бир назар ташласа, ўтган йиллар мобайнида барча соҳаларда асрларга татигулик доvonлар босиб ўтилганини теран ҳис қилади.

Шу кунларда дунёдаги энг

бахтли мамлакатлардан бири ҳисобланмиш юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат



вакилларининг ҳар бирининг кўнглидан шундай гаплар кечаётган бўлса, ажабмас. Негаки, бугунги глобаллашув даврида, дунёнинг турли бурчакларида сиёсий низо ва қарама-қаршиликлар тобора авж олиб бораётган бир паллада, юрт меҳр-муҳаббатига йўғрилган туйғуларни, айниқса, ёшлар қалбиди янада жўш урдириш, ёш авлодни Ватанга чексиз муҳаббат руҳида тарбиялаш беқиёс аҳамиятга эгадир.

Токи, ҳар бир навқирон авлод вакили "Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?" деган оташин хитобга кўз ўнгимизда кечаётган юксалиш жараёнларидан муносиб жавоб топа билсин.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Олий ва ўрта-маҳсус, Халқ таълими вазирликлари, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий уюшмаси ва вилоят

ҳокимлиги ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан жойлардаги таълим муассасаларида маданият, санъат, адабиёт намояндалари иштирокида ўтказилаётган "Ким эдигу ким бўлди, эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак?" мазмунидаги тарғибот тадбирларининг асосий мақсади ҳам ана шунга қаратилган.

Давоми 2-бетда. ➡

Куни кеча ана шундай учрашувларнинг дастлабки киси Ангрэн, Олмалик, Чирчиқ, Бекобод шаҳарлари ва Бекобод, Зангиота, Бўка каби туманлардаги таълим муассасаларида бўлиб ўтди. Ҳукуматнинг чекралидаги қувонч, кўтаринки байрамона кайфият меҳмонларнинг дилтортар, самимий суҳбатлари билан янада дилварлик касб этди.

— Бугуннинг ўзида шах-



яптимиқан, десам ростдан сўраётган экан. Йўқ, дедим. Туман марказими, деб сўради. Йўқ, кишлоқ, дегандим ҳайратдан кўзлари катта-катта очилиб кетди. Юртимиз марказларини кўя туринг, ҳатто кишлоқларимизга ҳам чет эллиқлар шундай хавас қилишяпти. Туфтуф, кўз тегмасин!

Ангрэн шахридаги 18 та таълим муассасасига ташриф буюрган 20 га яқин санъат, маданият,

мамиз бу ҳаётдан "бахтлиман", деб яшаб ўтишимиз керак.

Ҳа, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?" деган биргина саволга юзлаб, минглаб мисоллар билан жавоб бериш мумкин. Чунки, бугунги кенг имкониятлар мамлакати бизники, бугунги тинч ва осуда ҳаёт бизники. Тонгларидан толе қулган дориланон кунлар бизники.

— Бир пайтлар чет элларга бориб, ўқиб келиш туш кўриш билан баробар эди, — дейди Бекобод шаҳар енгил саноат ва маиший хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежлари директори Муртазам Аҳадов. — Ҳозир-чи, ҳозир фарзандларимиз нафақат ўзга давлатларда ўқиб, ўрганиб, малака ошириб келаяптилар,

## САНОАТ ВА САЛОҲИЯТНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Этиборлиси, корхона ўтган йили дунёнинг машҳур брендлари остида 13 миллион 200 миң АҚШ долларлик махсулотларни қўшни ва МДҲ давлатларига экспорт қилди.



— Ишчиларимизнинг аксарияти касб-хунара коллежларини битирган йигит-қизлар, — дейди тикув цехи бошлиғи Нигора Эшонқулова. — Бу йил ҳам коллежлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ, яна 300 нафар битирувчини ишга қабул қиламиз.

— Ўтган йили Чирчиқ саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунара коллежини битириб, ишга жойлашгандим, — дейди дазموловчи Шохиста Иноғомова. — Тенгқуларим билан меҳнат қилиш жуда мароқли. Корхонамизда ҳамма шарт-шароит яратилган. Эрталабки нонушта, кун давомида 2 маҳал иссиқ овқат, ишга келиб кетишимиз учун махсус автобусларга бор. Бу ерда ишлаб трикотаж махсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига қизиқиб қол-

дим. Келгусида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўқишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйганман.

Дарвоқе, корхонада 2016-2018 йилларга мўлжалланган яна бир йирик лойиҳа — ип йиғирув цехини ташкил этишга киришилди. Бу ҳадемай, яна 150 та янги иш ўринлари яратилади, дегандим.

**Бектош ИСМОИЛОВ,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.  
**Мансур НАХАЛОВ**  
олган суратлар.

## «ИСТИҚЛОЛ АСЛИ НАДИР, ИСТИҚЛОЛ БУ — ҚАДРДИР!»

римиздаги 15 та таълим муассасасига тарғибот гуруҳлари кириб борди, — дейди Республика маънавият тарғибот маркази Олмалик шаҳар бўлими бошлиғи Сайёра Якубекова. — Уларда тўрт мингга яқин ўқувчи иштирок этди. Биз эл ардоғидаги санъаткорлар, адиб ва шоирларни ўзбекна одат — карнай-сурнай садолари билан қарши олдик. Театр ва кино актёрлар Машраб Кимсанов, Маҳмуд Исмоилов, Зарина Низомиддинова, таниқли хонандалар Шохруҳон, Малика Эгамбер-

шилган ютуқларни ҳаётини аниқ мисоллар, халқаро миқёсдаги муҳим эътирофлар орқали атраволича тушунтиришди. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбекино" миллий агентлиги ва Республика маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида тайёрланган "Ким эдигу ким бўлди?" мавзусидаги ҳужжатли фильм намойиш этилди.

— Ҳужжатли фильмни кўриб, халқимиз бошидан не-не синовали кунлар ўтганидан воқиф бўлдик, айни пайтда, юртимиз

сиб ҳисса қўшадиган инсонлар бўлиб етишишга ҳаракат қиламиз.

... Бир уйнинг дарвозаси ёнида муҳаббат, тинчлик ва давлат ким биринчи бўлиб кириши ҳақида талашиб-тортишадиган экан. Шу тобда эшик очилиб, бир аёл чиқиб келибди. Аёл уларга қарата: "Ким биринчи киришини мен ўзим айтман", дебди. Улар жим қолишибди. "Биринчи тинчлик, кейин муҳаббат, охирида эса давлат кирсин", дебди аёл. Сабаби, тинчлик бўлган жойда муҳаббат куртак ёзади. Тинчлик ва муҳаббат ҳукм сурган жойга эса давлат ўз-ўзидан келверади. Бу ривоят айнан бизнинг халқимиз табиғатига мос келади.

— Уйимизга чет эллик танишимиз меҳмонга келди, — дейди киноактёр Эгамберди Рихсиев. — Уни Самарқандга олиб бораётганимда кишлоқ йўллари ёқаларида қад ростлаган намунавий лойиҳадаги уйлари кўриб, бу ер шахарми, деб сўради. Ҳазиллаша-



адабиёт вакилларининг ҳар бир сўзи олти мингга яқин ёш авлод қалбидан она Ватанга бўлган меҳр туйғулари янада алангалатган бўлса, ажаб эмас.

— Ўзбек тилида бир маънони аниқлашчи сўзлар кўп, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Ражаб Адашев. — Ҳар бирини қўллашнинг ўз ўрни бор. Лекин "Хурлик", "Озодлик", "Мустақиллик" каби сўзлар қай ўринда қўлланса-да, барибир қалбимизда, шууримизда ажиб бир илликдан туямиз. Ич-ичимиздан шукроналар айтаемиз. Тарихнинг қай бўлагига назар солмайлик, аждодларимизнинг шундай кунлар орзусида яшаганларининг, курашганларининг гувоҳи бўламиз. Бунинг қадрига етишимиз, ҳам-

балки турли нуфузли мусобақаларда Ўзбекистонимиз номини бутун дунёга танитмоқдалар. Булар — бизнинг фахримиз, ифтихоримиз. Бугун болаларимиз ўқитган замонавий таълим-тарбия масканларига қараб завқим келади. Президентимиз: "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!" деб жуда мардона гап айтганлар. Бугунги ёшларимизнинг камалига, келишган қадду бастига, орзу умидларига қараб, бу теран фикрлар ҳаётимизда аллақандай ўз ижобатини топиб бораётганини ҳис қиламан.

Бу — байрамнинг бошланishi, холос. Эзгу қасадларни кўзлаган бундай тадбирлар вилоятимиз бўйлаб ҳали давом этади. Самимий суҳбатлар, дилтортар куй-қўшиқлар, юрт ишқини мадҳ этувчи шеърлар достонлар ҳар бир зиё масканига бамисоли нур бўлиб кириб боради ва қалбларда юртга муҳаббат ва садоқат ўтини аланга олдиради!

**Нозима ҲАҚИҚОВА,**  
**Қобилжон ҲАҚИҚОВ,**  
**Мансур НАХАЛОВ,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

## ҚАРЗ БАРАКАНИ КЕТКАЗАДИ

Айтайлик, ўтган йил давомида 80 миңдан ортиқ хонанд эгаларининг мажбур қарздорлиги мажбури ундириш бўйича судларга оширилиб, 12 миллиард сўмликдан ортиқ тўловлар белгиланган тартибда давлат газанасига туширилди. Шунингдек, 160 дан зиёд улгуржи истеъмолчи ҳам суд идоралари аралашуви билан 10 миллиард сўмликка яқин қарзини тўлашга мажбур бўлди.

Масалан, таъминотчи идоралар вакиллари ишторидида ўтказилган тезкор тадбирларда ўтган йил мобайнида 1194 та худди шундай ҳолат қайд этилди. Бундай ўзбошимчилик туфайли 5,4 миллион метр куб ҳажмида табиий газ йўқотилгани етказилган зиён ҳақида тасаввур беради, албатта.

Хусусан, Зангиота тумани "Алимбува" маҳалла фуқаролар йиғини худудидан яшовчи Ш. Зоитов, Гулистон кишлоғи М. Қайомовлар ўз хонадонларидаги иссиқхонани ноқонуний равишда

табиий газ билан иситиб келишган. Натижда 7,4 миллион сўмлик табиий газ ҳисоб-китобсиз сарфлаб юборилган.

Урта Чирчиқ туманининг Корасув кишлоғида ўтказилган тезкор тадбирларда яна бир шахс томонидан қўлбола оҳақ қуритиш цехи ташкил қилиниб, лойиҳа ва ижро-техник ҳужжатлар ҳамда зарур ҳисобдон-сиз газдан мунтазам фойдаланиб келингани маълум бўлди. Сохта "тадбиркор"нинг бу ўзбошимчилиги таъминотчи корхона маъмулатларига 91 миллион 800 миң сўмликдан ортиқ зарар етказган.

Юртимиз заминининг табиий газга бойлиги, шубҳасиз, халқимизнинг катта ютуғидир. Аммо бу табиий неъматларнинг ҳисоб-китоби йўқ, дегани эмас. Шундай экан, ҳар неъматни борида қадрлайлик, энергия ресурслари истеъмоли учун тўловларни вақтида адо этиб боришни унутмайлик.

**Раъшон МУРОДОВ,**  
"Ўздавнефтегазиспекция" вилоят худудий бўлими бош мутахассиси.

### Тухфа

Оққўрғон туманидаги "Бирлик" маҳалласида замонавий мини-футбол майдончаси фойдаланишга топширилди.

## ҚУЛАЙ, КЎРКАМ, ЗАМОНАВИЙ

Ушбу иншоот хусусий тадбиркор Гулҳебра Болтаеванинг ташаббуси билан бунёд этилди.

— Кўндан бунён маҳалламиз худудидан болалар учун спорт майдончаси барпо этишни режалаш юрар эдик, — дейди Г. Болтаева. — Таклифимизни қўллаб-қувватлашди. Ички имкониятларимизни ишга солиб, минни стадионни қуриб, битказдик.

Ҳаётнинг очилиши муносабати билан қўшни шаҳар ва туманлардан ташриф буюрган футбол жамоалари ўртасида мусобақа бўлиб ўтди.

Ҳалилар аниқланиб, уларга хомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**



диева, Умида Мирхамидова, Умар Шамсиев, шоир Солим Исҳоқ, Сафар Оллаев ва бошқаларнинг чиқишлари барчани тўқинлантириб юборди. Иқтидорли ўқувчилар томонидан тайёрланган тўқувчилик буюмлари, расмлар, ўймакорлик каби халқ амалий санъати намуналаридан иборат кўргазма меҳмонларда катта қизиқиш уйғотди.

Тарғибот тадбирлари давомида гуруҳ вакиллари ўқувчи-ёшларга мустақилликкача бўлган даврдаги ҳолатлар ҳамда истиқлол йилларида эри-

ришаётган ютуқлардан қалбимиз гурурга тўлди, — дейди Чирчиқ санъат ва иқтисодиёт касб-хунара коллежи ўқувчиси Гузал Улжаева. — Фильмда янграган шеърдаги

**Истиқлол, асли наدير,  
Истиқлол бу — қадрди,  
Бир тану бир жон бўлди,  
Мустақил Ватан**

деган сўзлар юрагимизни жизиллатиб юборди. Шундай Ватанда туғилганимизга шукроналар айтдик, давлатимизнинг биз ёшларга хўрсатаётган гамхўрлиги ва эътиборини яна бир қарра чуқур хис этдик. Келгусида юрт юқини елкалашга муно-



## ИНШОЛАР ТАНЛОВИ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ!

Тошкент вилояти ҳокимлиги вилоят Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими, Ўрта-махсус, касб-хунара таълими, Матбуот ва ахборот бошқармалари, Ёзувчилар уюшмаси, Маънавият тарғибот маркази худудий бўлими ҳамда "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари тахририяти билан ҳамкорликда Мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаб "Иншолаб танлови"ни эълон қилади.



Вилоятдаги касб-хунара коллежлари, академик лицейлар ҳамда умумтаълим мактабларининг 7-9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган танлов жорий йилнинг 5 апрель санасига қадар давом этади.

Танловда иштирок этувчи ўқувчилар ўз ижодий ишларида шу кунларда маданият, санъат, адабиёт намояндалари иштирокида жойлардаги таълим масканларида ўтказилаётган "Ким эдигу ким бўлди, эртага қандай марраларни эгаллашимиз керак" мазмунини тарғибот тадбирларида олган таассурот ва хулосалари, мамлакатимизда истиқлол йилларида амал-

га оширилаётган улкан ўзгаришлар, хусусан, ёшларга доир давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини эркин, самимий тарзда баён этишлари мақсадга мувофиқдир.

Энг сара ишлар тегишли таълим муассасаси доирасида баҳолиниб, марказлашган ҳолда вилоят Халқ таълими ҳамда Ўрта-махсус, касб-хунара таълими бошқармаларида ташкил этилган ишчи гуруҳга тақдим этилади. Махсус комиссия томонидан танловнинг вилоят миқёсидаги ғолиблари номи аниқланади ва уларга таълим олинган махсус совғалари тақдим этилади.

Шунингдек, комиссия хулосасига кўра, энг сара иншолаб таълим ҳамда тегишли туман ва шаҳар газеталари санифаларида ёритилади.

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:**  
279-40-55, 150-52-19.

## МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ ЭРТАГА КИМ БЎЛАДИ?

Эндиликда фуқаролар йиғинлари жойларда нафақат тадбиркорликни ривожлантиришга, балки ўз бизнесини йўлга қўйиш истагидан бўлган тадбиркорлик субъектлари, хусусан, оилаларга тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун кредитлар олишда белгиланган тартибда кафили бўлиши мумкин. Бундай имкониятларнинг берилганлиги маҳаллаларимизда ишбилармонлик муҳити қарор топшишга кенг йўл очиб берди ва ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Бунинг амалий натижасини ҳозирда бевосита вилоятимиздаги маҳаллаларда 50 миңга

яқин тадбиркорлик субъектлари ҳамда юзлаб оилавий корхоналар фаолият юритиб келаятганлиги ҳам кўриш мумкин.

— Бугунги кунда маҳаллаларимизда ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтириш, оқсоқоли ва фаровонликни таъминлашдаги ўрни ва роли беқиёс, — дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими

туманларимизда 1158 та ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда. Ушбу тузилмада 1000 га яқин маҳалла посбони жамоат тузилмаси, шунингдек, 10 миңга яқин маслаҳатчилари фаолият олиб бормоқда.

Жорий йилнинг май-июнь ойларида ана шундай катта куч бўлган, ҳуқуқий асосда кенг ваколат ва имкониятлар берилган бошқарув органи —

маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида "Ғи қонунида аниқ жавоб берилган, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи вилоят комиссияси аъзоси, сенатор Мақсуда Ворисова. — Хусусан, ушбу қонуннинг 17-

маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Бу жуда маъсулиятли кампания. Чунки маҳалла зиммасига юклатилган вазифаларнинг нечоғли қонуний, очик, ошқора, ижтимоий адолатлилик асосида амалга оширилиши кўп жиҳатдан фуқаролар йиғини раисининг билими, тажрибаси, кенг бўлса маънавиятига дахлдор масалалар.

Шу ўринда савол туғилади: ҳўш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига қимлар муносиб?

— Аслида бу саволга ҳам 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдан

маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Бу жуда маъсулиятли кампания. Чунки маҳалла зиммасига юклатилган вазифаларнинг нечоғли қонуний, очик, ошқора, ижтимоий адолатлилик асосида амалга оширилиши кўп жиҳатдан фуқаролар йиғини раисининг билими, тажрибаси, кенг бўлса маънавиятига дахлдор масалалар.

Шу ўринда савол туғилади: ҳўш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига қимлар муносиб?

— Аслида бу саволга ҳам 2013 йил 22 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдан

маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтди. Бу жуда маъсулиятли кампания. Чунки маҳалла зиммасига юклатилган вазифаларнинг нечоғли қонуний, очик, ошқора, ижтимоий адолатлилик асосида амалга оширилиши кўп жиҳатдан фуқаролар йиғини раисининг билими, тажрибаси, кенг бўлса маънавиятига дахлдор масалалар.

дастурини эълон қилиши керак.

Айни кунларда жойларда сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари ўз фаолиятини бошлади. Ишчи гуруҳи зиммасига аҳоли фикрини ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини раиси ва маслаҳатчилари вазифасига номзодлар юзасидан таклифлар тайёрлаш юклатилган. Шундай экан, бўла-

жак сайловлар ҳеч бир фуқарони бефарқ қолдирмаслиги, аксинча, ушбу сиёсий жараёнда фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ҳолда ўз фикри ва таклифи билан иштирок этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Энг муҳими, шу орқали биз "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" таъмоили асосида амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга, ноёб тузилма сифатида эътироф этилган маҳалла институти нуфузининг янада мустақамланишига ҳисса қўшган бўламиз.

**Юлдузхон МУҲИДИНОВА,**  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Томорқа – туганмас хазина

Пискентликларнинг томорқа тутумига кўпчилик ҳавас қилади. Буни "Мўмин-обод" маҳалла фуқаролар йиғини мисолида ҳам кўриш мумкин. Салкам уч минг аҳолининг 79 гектар томорқасида нималар етиштирилишини маҳалла оқсоқоли яхши билади. Хонадонларни айланиб, ким нима иш билан машғуллигини кузатиб боради. Энг намуналиларини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатади.

ДАРОМАД ТОПАЁТГАН ОДАМ  
МУСТАҚИЛ ВА ЭРКИН БЎЛАДИ

Томорқаларда мевали дараклар ҳам кўп. Йилнинг тўрт фаслида ҳам мўминободликлар дастурхонидан ноз-неъмат аримайди. Маҳалла аҳолисининг аксарияти кўчат етиштиришнинг ҳадисини олган. Уларнинг меваю узумлари ҳаммаликдан олдин пишади.

лардан иссиқхонада кўчат етиштириш сирларини ўрганиб, кейинчалик бутун маҳалла аҳлига ўргатибди.

Оқсоқол ҳамроҳлигида томорқаю иссиқхоналардаги экинларни кўриб, дилимиз яйради. Хонадон эгалари томорқанинг бирор қаричини ҳам бўш қолдиришмаган, денг. Айримлар қанча ери бўлса, ҳаммасига иссиқхона қуриб, помидор, ачиқ ва бўлгор қалампирлари, бақлажон, қарам ва бошқа сабзавотлар экишляпти.

Маҳалламизда иш излаган бекорчини учратмайсиз, – дейди маҳалла оқсоқоли. – Кўчатчиларнинг даромади 10 миллион сўмдан кам эмас. 15-20 сотихли иссиқхонаси борларнинг тоғани 20 миллиондан ошади. Маҳалламиз ахли ҳалол меҳнати, тадбиркорлиги туфайли тўқинсочин яшайпти. Илгари қилгоғимизда санокли оилалардагина велосипед бўларди. Ҳозирчи? Деярли ҳамма хонадонда энгил машина бор. Орзу-ҳавасли уй қуриб, ҳар йили тўй қилаётган оилалар кўп.

Иссиқхонамизда помидор ва бўлгори қалампир кўчатлари етиштиришимиз, – дейди Анвар Раҳмонкулов. – Декабрь ойининг учинчи ўн кунлигида уруғ сепиб, март ойидан сота бошлаймиз. Бозорга бориб юрмаймиз, атрофдаги қишлоқлардан, ҳатто қўшни тумандан уйимизга келиб, олиб кетишади.

Мухтасар айтганда, бугун Шерматали Дадабоев, Абдусаттор Эргашев, Усмон Каримов сингари кўчатчилар нафақат маҳалла ободлиги, балки бошқа хайрли ишларга ҳам камарбаста бўлишмоқда.

Маҳалладон қайтайтиб, "Даромад топаётган одам мустақил ва эркин бўлади, фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди", деган гап шууримизни ёритиб ўтди.

Маҳалладон қайтайтиб, "Даромад топаётган одам мустақил ва эркин бўлади, фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялайди", деган гап шууримизни ёритиб ўтди.

Топдингиш, бу ҳаётий фикрни Юртбошимиз айтган эдилар.

Исмомил ТОШЕВ.

ТАДБИРКОРГА КЎМАКЧИ,  
ИҚТИСОДИЁТГА КАМАРБАСТА

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозор талабларига мослигини таъминлаш, рақобатдошлигини ошириш, шу орқали иқтисодиётимизни янада тараққий эттириш, модернизация ва диверсификация қилиш борасида аниқ тизимли ишлар олиб борилаётир.

Бу жараёнда банк-молия муассасалари ҳам алоҳида фоллиқ кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Жумладан, тижорат банклари ишбилармон-тадбиркорлару фермер-деҳқонларнинг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш, мижозларга янгидан янги замонавий банк хизматларини жорий этиш ва шу каби саяё-ҳаракатлар қўламини беқиёс кенгайтираётир.

"Агробанк" АТБнинг Сурхондарё вилояти бошқармаси ва филиаллари томонидан олиб борилаётган амалий ишлар ҳам фикримиз далилидир. Банк бошқармаси жорий йилнинг 10 март ҳолатига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан турли тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 51 млрд. сўмга яқин кредит маблағлари йўналтирди.

Бунинг натижасида ҳудудларда замонавий мин ишлаб чиқариш, майиш хизмат кўрсатиш шахобчалари сони янада ошди. Шунингдек, оилавий, хотин-қизлар ҳамда ёшлар тадбиркорлиги кенгайди. Қўшимча янги иш ўринлари яратилди. Буларнинг барчаси халқимизга муносиб турмуш шароитлари яратиш, обод ва фаровон ҳаётни бунёд этишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётгани қувонарли.

Ҳар кун оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатимизнинг қайси бир қишлоқда янги ишлаб чиқариш мажмуаси ёки бўлмаси қайсидир тадбиркоримиз етиштирган маҳсулотини экспортга йўналтираётганидан хабардор бўламиз. Буларни эши-

тиб албатта, қувонамиз. Юртимизда бўлаётган бу каби кенг қўламадаги бунёдкорликлардан дилкаганига шукроналар айтасиз, – дейди "48-АТК" МЧЖ раҳбари Қулсоат Каримов. – Ана шундай асрга татиғулик ўзгаришлар қўламинини доимо тўқинлантириб туради, янги марралар сари чорлайди. Энг муҳими, бу ҳар биримизни шу юртга кераклигимизни ҳис қилиб яшашига ундайди. Шу сабабли ҳам мен тадбиркорликни маҳкам ушладим. Шу орқали юртга нафим тегаётганлигидан гурурланиб юраман. Бу йўлда тижорат банклари ишбилармонларнинг яқин суянчи ва таянчига айланиб улгурди. Истиқболли




бизнес ишлангани ҳаётга татбиқ этишда банклар доимий ҳамкорликка тайёрдир. Жамиятимиз "Агробанк" АТБнинг Жарқўрган филиали билан 2004 йилдан бунёдкорликда фаолият юритиб келмоқда. Ушбу банкнинг кредитлари фаолиятимизнинг ривожланишида асосий қисмни ташкил қилади. Туманда аҳолининг транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган "ИСУЗУ" автобуслари сотиб олиш учун бизнес-режа ишлаб чиқиб, мазкур банк филиалига тақдим этдик. Натижада, лойиҳамга асосан 197,5 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Шунингдек, аҳоли бандлиги учун 7 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда корхонамиз аҳолининг узоғини яқин қилишда ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бундан тумандошларимиз мамун.

– Баҳор келиши билан бобо-

деҳқонларимиз "ғимирлаб" қолади. Эртанги кун насибасини бугунги қилаётган меҳнати самарасида кўради. Ҳозирда юртимизнинг боғ-роғларига, қир-адирларига, дала-ю даштига боқинг – ҳар деҳқонни, мўл-кўл ризқ-рўз яратиш, обод ва фаровон юртига тўқинлик олиб кириш учун енг шимарган, – дейди "Ашраф Фирдавс" фермер хўжалиги раҳбари Шўхрат Эшов. – Бу каби юмушларда фермер хўжалигимиз аъзолари ҳам ҳўрмай-толмай ишлашаётир. Буларнинг барчаси, аввало, юртимиздаги тинчлик ва фаровонлик қолаверса, ислохотлар бераётган самаралар эканлигини бугун ёш қари билади. Ана шундай бунёдкорлик ишларида тижорат банкларининг ҳиссаси ортиб бораётир. Ўзимдан қиёс. Фаолиятимни кенгайтириш борасида қўлгина лойиҳалар устида иш олиб бордим. Тажрибали тадбиркорлар, банк мутахассислари билан ҳамкорликда ишладим. Бунинг натижасида тижорат лойиҳам, яъни, аҳолининг сўт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини янада яхшилаш ва насли қорамол сотиб олиш борасидаги бизнес режам ижобий баҳоланди. Шунга мувофиқ, "Агробанк"нинг Сарисий филиали томонидан 55 миллион сўм кредит маблағи олдик. Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 4 та янги иш ўрни яратилганлиги янада қувонарли бўлди. Келгусида хўжалигимизни ривожлантириш борасида ҳам режаларимиз бор. Албатта, бу йўлда "Агробанк" яқин кўмакчимиз бўлади.

Мухтасар айтганда, "Агробанк" АТБ бундай амалий ишларда аввало, халқимиз турмуш даражасини ошириш, иқтисодиётимизнинг тараққийтига муносиб улуш қўшиш каби хайрли вазифаларни мақсад қилган. Ана шу йўлда банк жамоаси ўз билим ва тажрибасини ишга солиб, фаол иш олиб бораётир.

Хайрулла ХОЛТУРАЕВ.



БАНКНИНГ  
МАДАДИ –  
ИШНИНГ ОМАДИ

Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислохотлар самарасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётдаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

– Чет эл капитали иштирокидаги АТ "Савдогарбанк" Бўка филиали кўмаги билан ўтган йили Австрия давлатидан 124 бош зотдор насли қорамол олиб келинди, шу билан биргаликда банк кредити орқали чорва фермаимизни замонавий ҳолатга келтирдик, – дейди Тошкент вилояти Бўка туманидаги "Бўка Ширин Сўт" фермер хўжалиги раҳбари А. Туронов. – Айни пайтда мазкур олиб келинган бўғоз чорва молларидан тўлиқ бола олиниб, тайёрланаётган сўт маҳсулотларини реализацияси туфайли корхонамиз инфратузилмасини шакллантирмоқдамиз. Келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириб, сутни қайта ишлаш билан шуғулланмоқчимиз, бунда албатта, банк кўмаги қўл келади.

Бугунги кунда вилоятда кўплаб харидорбоп маҳсулотлар тайёрлашга мўлжалланган замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиб, янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу корхоналар иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга доир турли тармоқлари, жумладан, сифатли қурилиш маҳсулотлари тайёрлаш, қайта ишлаш каби йўналишларни қамраб олган. Ана шундай субъектлардан яна бири Бўка туманида фаолият кўрсатаётган "Бўка-Металл-Инвест" корхонасидир.

– Корхонамиз ҳар хил турдаги профнастил ва турли ўлчамдаги мих ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, фаолиятимиз кўламини кенгайтириш мақсадида ЧЭКИ "Савдогарбанк"нинг Бўка филиали томонидан 130 млн. сўм кредит маблағи олиб, Хитой давлатидан ишлаб чиқариш дастгоҳлари сотиб олдик, – дейди корхона раҳбари. – Ҳозирги кунда 4 нафар туман ёшларини иш билан таъминлаб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларимизни туманимиз ва қўшни туманларда сотмоқдамиз. Келажакда маҳсулот тайёрлаш ҳажминини кенгайтириб, уларнинг бир қисmini экспорт қилишни ҳам режалаштирганимиз.

"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очик аукцион савдоларига таклиф этади!

"Agro sanoat mulk markazi" МЧЖда 2016 йил 29 апрель кун соат 11:00 да, бошланғич нархи ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига Юнусобод туман СИБ томонидан, 2016 йил 16 март кунги ЖСХ-2-57/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, ўзР МХХ ашёвий далилларни сақлаш омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда: 1. 2012 йилда и/ч., дав. бел. 01/К/707/ОА бўлган, Тойота Ландкрузер русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 240 000 000 сўм. 2. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01/Е/1710А бўлган, Тойота Ландкрузер русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 74 989 968 сўм. 3. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01/У/011/КА бўлган, Тойота Ландкрузер русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 75 000 000 сўм. 4. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01/А/577АА бўлган, Lexus IS250 русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 161 985 728 сўм. 5. 2006 йилда и/ч., дав. бел. 01/Г/030/НА бўлган, Кадиллак Эскала-

де Ландкрузер русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 60 621 000 сўм. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимлиларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, ИНН 302159464. Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388.

"NEW TRANS ALLIANCE" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ  
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде  
ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 18 апрель кун соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари ва мол-мулклар тақдоран қўйилмоқда: Қўшбеги тумани СИБ томонидан: 1. 02.02.2015 йил № 2454-сонли ижро ҳужжатида асосан 2005 й. и.ч. "DAEWOO-KALOS" д.р. 11S 2489. Бошланғич баҳоси – 17 526 020 сўм. 2. 20.06.2013 йил № 11223-сонли ижро ҳужжатида асосан 1989 й. и.ч. "Камаз-5320" д.р. N088NUM. Бошланғич баҳоси – 9 195 813 сўм. 3. 13.01.2015 йил № 1324-сонли ижро ҳужжатида асосан 2008 й. и.ч. "Эпика" д.р. 01 P405BA. Бошланғич баҳоси – 32 590 620 сўм. 4. 22.12.2013 йил № 32021-сонли ижро ҳужжатида асосан 1988 й. и.ч. "BA3-2106" д.р. 01X195MA. Бошланғич баҳоси – 5 317 068 сўм. 5. 03.07.2013 йил № 12426-сонли ижро ҳужжатида асосан 1986 й. и.ч. "Москвич-412" д.р. 10 Т 410AA. Бошланғич баҳоси – 1 473 633 сўм. 6. 26.04.2012 № 5782-сонли ижро ҳужжатида асосан 1993 й. и.ч. "Доган" д.р. 01K336EA. Бошланғич баҳоси – 1 178 511 сўм. 7. 02.03.2015 йил № 7160-сонли ижро ҳужжатида асосан 1972 й. и.ч. "GA3-24" д.р. 01V920GA. Бошланғич баҳоси – 1 313 722 сўм. Зангиота тумани СИБ томонидан 2014 йилдаги 10 сентябрь кунги №1-4676/14-сонли ижро варақасига асосан 2015 йил 24 декабрь кунги қўзғатилган №27007/17-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган "Картон қоғоз ишлаб чиқариш учун тех-

нологик линияси". Бошланғич баҳоси: 300 000 000 сўм. Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "New Trans Alliance" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион қолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кўни мобайнида тўлалигича тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Дарвозакент 2-берк кўчаси, 16-уй. Телефон: (95) 504-99-85. Гувоҳнома 004593.

"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент Минтақавий филиалида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Ангрэн шаҳар СИБ томонидан, ФИБ Охангарон туманлараро судининг 2015 йил 27 ноябрдаги ажримига асосан, Ангрэн шаҳар, А. Яссавий кўчасида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 800 кв.м, қурилиш ости майдони 337,5 кв.м, фойдаланиш майдони, 143,24 кв.м, бўлган 0001, 0002, 003-литерларда жойлашган 137-уй тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 37 500 000 сўм. II. Аукцион савдосига Қўшбеги тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 9 ноябридаги 10-1515/17767-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент ви-

лояти, Қўшбеги тумани "Қўшбеги" ҚФЙ, Ҳосилдор кўчасидаги 6062,60 кв.м ер майдонида жойлашган, умумий майдони 82 кв.м бўлган маъмурий бино тақдоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 421 250 000 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 18 апрель кун соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати 2016 йил 15 апрель кун соат 18:00. Кўчмас мулк объектлари билан тегишли Суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб тани-

"NEW TRANS ALLIANCE" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ  
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде  
ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 3 май кун соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари кўйилмоқда: 1. Тошкент вилояти Бекобод шаҳар СИБ томонидан: 1. Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 27.11.2015 йилдаги № 1-415-2015-сонли ижро варақасига асосан қўзғатилган № 106-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, давлат рақами 10 Р 896 КА бўлган "ГБА-Нексия DONC 1.6-СПГ" русумли автототранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 34 896 233 сўм. 2. Фуқаролик ишлари бўйича Бекобод туманлараро судининг 25.05.2015 йилдаги № 1-3420/15-сонли суд буйруғига асосан қўзғатилган № 6409-10-сонли ижро ҳужжати юзасидан хатланган 1988 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, давлат рақами 10 Р 180 КА бўлган "Мерседес Бенц 609-Д" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 28 787 000 сўм. 2. Тошкент вилояти Пискент тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича ўрта Чирчиқ туманлараро судининг 27.05.2015 йилдаги № 3839-сонли ижро варақасига асосан 2010 йилда ишлаб чиқарилган, ранги оқ, давлат рақами 10 L 342 FA бўлган, техник соз "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 15 000 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "New Trans Alliance" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион қолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кўни мобайнида тўлалигича тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (+99895) 504-99-85. Гувоҳнома 004593.

Ҳурматли тадбиркорлар!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича худудий комиссиясининг қарори асосида вилоятда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулайлик, шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясида ҳар ойнинг биринчи сешанба кунини "Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш" ва "Очиқ эшиклар кунини" эълон қилади. Стандартлаштириш ва сертификатлаш масалалари, синов лабораторияси объектларини техник қўриқдан ҳамда қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва тегишли рухсатномалар олиш, шунингдек, бошқа масалалар бўйича ҳар ойнинг биринчи сешанба кунини соат 9.00 дан 17.00 гача 241-40-25 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Тошкент вилояти бўйича ДАКН инспекцияси манзили: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7-уй. "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2016 йил 19 мартдаги 23-сониде чоп этилган табрикдаги "Бекободдемент" унитар корхонаси сўзлари "Бекободдемент" акциядорлик жамияти деб ўқилин.

"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари жамоаси таҳририятда кўп йиллар самарали фаолият юритган меҳнат фахрийси Матлуба МАХМУДУЖАЕВанинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

### ЧЕМПИОНЛИК ОИЛАДАН БОШЛанаДИ

“Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ спорт мажмуасида “Соғлом оила” спорт мусобақасининг минтақавий республика босқичи бўлиб ўтди.

#### Офарин

“Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури доирасида мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳолини спортга янада кенгроқ жалб этиш, айниқса, оилавий спортни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган беллашувда Тошкент шаҳри, Сирдарё ва Жиззах ҳамда вилоятимиз вакиллари ўзаро беллашди. Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ташаббуси билан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур тадбирда

мусобақанинг вилоят босқичларида голиб бўлган 24 оилавий жамоа спортнинг 8 тури бўйича бахшлашди.



– Каранг, шунчаки мусобақа эмас, чинакам спорт байрами-ку бу, – дейди голиблардан бири, Жиззахлик Санжар Эргашев. – Фойдасини айтмайсизми?! Очиги, фарзандларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб ўстиришда спортнинг аҳамияти бекинмас. Биз, катталар фарзандларимизнинг спортга

бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлашимиз лозим. Мусобақа якунига кўра, Тошкент шаҳридан Фозиловлар, Далмурзаевлар оиласи голиб бўлди. Вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Саъдиевлар оиласи иккинчи, яна бир вақилимиз Нурматовлар оиласи эса учинчи ўринга сазовор бўлди. Шунингдек, қатор номинациялар бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Тадбир якунида, барча голиб ва совриндорлар махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. **Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, “Тошкент ҳақиқати” мухбири. Мансур НАХАЛОВ олган сурат.**

### Шу сонга хушхабар

### ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК РЕКОРД ТАКРОРЛАНДИ



Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ЖЧ – 2018 саралаш мусобақаси 2-босқичининг сўнгги турда ўз майдонида Баҳрайн термасини қабул қилди ва 1:0 ҳисобида ғалабага эришди. Ягона тўп рақиб дарвозасига ўйиннинг 50-дақиқасида Сардор Рашидов тандақдан киритилди.

Шу тариқа Самвел Бабаён шогирдлари гуруҳ пешқадами сифатида навбатдаги, ҳал қилувчи босқичга йўланмани қўлга киритишди. Дарвоқе, Бабаён қўл остидаги футболчиларимиз уйда ва сафарда Яман, Филиппин, Баҳрайн ҳамда КХДР чарм

тўп усталарини қаторасига 8 ўйинда мағлубиятга учратиб, йигирма икки йил аввалги рекордни янгилашди. Маълумот ўрнида айтиш жоизки, 1994 йили терма жамоаси мураббий Рустам Акрамов бошчилигида кетма-кет саккиз ғалабага эришган эди.

**Шерзод ШУҲРАТОВ.**

### «ҚУРУҒ»НИ ҚУВГАН ҚУРУВЧИЛАР

Бугун юртимиз улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Шаҳару қишлоқларимизда бири-биридан кўркам иншоотлар қад ростламоқда. Мана шундай эзгу ишларни қўли гул, лафзи ҳалол, эл-юрт ободлиги йўлида камарбаста бўлаётган ўзимизнинг қурувчилар бажаришяпти.

#### Қонун ҳимоясида

Абдуҷамил Абдирахимов ҳам ана шундай ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш мақсадида 2009 йил “Gazalkent maxsus qurilish” хусусий корхонасини ташкил этди. Бир йил ўтиб, вилоят ҳокимлиги томонидан эълон қилинган “Кичик-сой” маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида 20 та яқка тартибдаги тураржойларни қуриш бўйича тендер савдоларида голиб бўлди. Шунга асосан, “Qishloq qurilish invest” инжиниринг компанияси масъулияти чекланган жамияти билан 1 миллиард 182 миллион 563 минг сўмлик шартнома имзолади.

“Qishloq qurilish invest” инжиниринг компаниясига тақдим этилиши оқибатида 104.713.371 сўмлик маблаг талон-торож қилинди. Бундан ташқари, А. Абдирахимов ўзининг жиний ҳаракатларини давом эттириб, Бўстонлиқ тумани ҳокими томонидан эълон қилинган “Кичик-сой” маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида 20 та яқка тартибдаги тураржойларни қуриш бўйича тендер савдоларида голиб бўлди. Шунга асосан, “Qishloq qurilish invest” инжиниринг компанияси масъулияти чекланган жамияти билан 1 миллиард 182 миллион 563 минг сўмлик шартнома имзолади.

Қонун барчага баробар. Мўмай даромаднинг ортидан қувиб, ўзгалар мулкни талон-торож қилганлар қонун олдида жавоб берадилар. Жиният ишлари бўйича Бўстонлиқ тумани судининг ҳукмига кўра, А. Абдирахимов Ўзбекистон Республикаси Жиният Кодексининг 167 моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиниятни содир этганликда айбдор деб топилди, 7 йил муддатга, унинг ҳамтовоғи М. Ортиқов эса 6 йилу 10 ой муддатга озодликдан муҳрум қилинди.

**Даврон ҲАМИДОВ, вилоят прокуратораси бўлим прокурори.**

#### Мутолаа

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, одамлар кўпроқ нимага интилиб яшайди? Бу саволга ҳар ким билганича жавоб беради, албатта. Бироқ, шуниси аниқки, баъзилар фақат моддий тўқисликни ўйлайди. Кўпчилик эса маънавий комилликка интилади.



### «...ВА ГАР ОСОН ДЕСАНГ – ОСОН...»

Бахт ва гўзалликни моддият билан ўлчовчилар учун буюк мутафаккир бобоимиз Алишер Навоийнинг муҳрига битилган сўзларини эслатиш ўринли: “Сен бу дунёда бир йўловчидек, фақирдек яшагил...”

Бу сўзлар замирида уммондек маъно муҳасам. Зеро, тарих не-не моддий тўқис кишиларни кўрди, аммо, уларни бугун ҳеч ким ёдга олмайдди. Юсуф Хос Ҳожиб, аз-Замахшарий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал Хоразмий, Ал Форобий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек каби аждодларимизнинг ҳаётини ҳаётга айлантиришнинг фаровон яшашини таъминловчи маънавий хазинадир.

Илм ҳақида Навоий ҳазратлари “Назм ул-жавоҳир” асарларида: *Сай айлаки, ҳифзи анжиги етгайсен, Йўқ улки, кутуб сай ила жамъ этгайсен,* дея илмнинг қудрати, жаҳолатнинг зарари, тилни тийиш, кибр ва

ҳасаднинг иллати хусусида пурмаъно фикр билдирганлар. Умри давомида илм олишга даъват этган бобоимизнинг ижод йўлини ўқиб-ўрганар эканман, кутубхонамиздаги янги китобга кўзим тушди. “Абадият гулшани” деб номланган ушбу рисола “Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари таҳририяти томонидан Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллигига бағишлаб чоп этилибди. Унда навоийшунос олимлар, адабиётшунослар, шоир ва ёзувчиларнинг улғу ширимиз асарлари талқини, тадқиқоти, таҳлилларига асосланган мақоалалар жамланган экан. Мутолаани бошлаб, бу буюк шахс миллий маънавиятимизнинг тегисиз намоён-даси эканига, ҳазратга Юртбошимиз: “Агар бу улғу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султони” деган таъриф берганлари нақадар тўғри эканига яна бир бўй амин бўлаемиз. Унинг чинакам сўз

санъаткори эканини асарларидаги китоб, сўз, илм, садоқат, дўст, тинчлик ва хатто дехқонларга берилган таърифу тавсиф мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Китобда “Буюқликнинг боқий овози”, “Эл комин раво айла”, “Кимки инсондир, анинг маҳбуби ҳам инсон керак...”, “Олам маъмуриги алардин” каби қатор мақолалар берилганки, уларда шоир талқинидаги эзгулик ва ҳаёт моҳияти теран ифода этилган.

Профессор М. Муҳиддинов “Сўз фазилати” мақоласида сўз бе-ниҳоя улғу, “каломи фасеҳ”, яъни ўлганни тирилтириши мумкинлигини изоҳлаб, Навоийнинг бемисл қудратини кўрсатиб берган. Н. Жабборов эса, буюқ сиймонинг тинчлик борасидаги фикрларини келтириб, “Тинчлик ва осейишталик шундай бир неъматки, одамзот унинг қадрини қўлчанмай берилганидагина англайди”, дейди. “Холбуки, уни ўз вақтида қадрламоқ керак. Улғу мутафаккир ҳазрат Алишер Навоий бундан қарийб олти юз йил на-

рида туриб, кўнгилларни шу ҳақиқат нури билан ёритиб турибди”. Уйки, адно тебранур сокинга хотир жамъ эмас, Не ажаб, гар амь йўқтур гунбади гардон аро.

Ушбу байтда тинчликка, хотиржамликка эришмоқ осон эмаслиги ифодаланган. “Бадоеъ ул-васат” девонидида: *Жаҳон осейишин оллингда мушкул қилмаким, бордур Тутай мушкул десанг – мушкул ва гар осон десанг – осон,* байтида эса, жаҳон осейишига эришмоқ осон эмаслиги, бироқ ҳаммаси ниятга яраша бўлиши, агар инсон ўзини ўзи мушкулотга дучор қилмаса, осейишга осонроқ ҳам эришмоқ мумкинлиги айтилган.

Ушбу китоб мутолааси кишига бениҳоя завқ бағишлайди. Зеро, буюқ иқтидор соҳиби асарларидаги фикрлар, қарашлар, даъватлар чуқур мулоҳазага ундайди. Рубоий ва газалларнинг тили, оҳанги эса ўзига ром этади.

Айтиш керакки, “Абадият гулшани” каби китобларнинг чоп этилиши нафақат ўқувчилар, балки биз, ўқитувчилар учун ҳам айни мудида бўлди. Ахир, Алишер Навоий асарларида марварид доналаридек терилган сўзларни, мисраларнинг қофия ва оҳангини, товушларнинг уйғунлашувини, бўғиндошликни, ургу, айниқса, кўп маъноликни ҳар қанча ўргансақ кам.

**Наргиза ШИМЕТОВА, Ангрэн шаҳар 25-умумтаълим мактабининг она-тили ва адабиёт фани ўқитувчиси.**

### Дикқат, танлов давом этмоқда! Журналистика соҳасида “Олтин қалам” XI Миллий мукофоти

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шaroит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгица ёндашувларни шакллантириш мақсадида “Олтин қалам” XI Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2015 йилнинг 31 мартдан 2016 йилнинг 31 мартгача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевиденида кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2016 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

**Танлов голиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган: Журналистика соҳасида беш миллий мукофот**

Голиб махсус диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

**Асосий мукофотлар:**

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган голиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган голиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган голиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

**Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:**

энг яхши фоторепортаж;

энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар голиблари диплом, “Олтин қалам” статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

“Олтин қалам” танлови голибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа инситутларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, танловда республикамиздаги бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари қуйидаги рағбатлантирувчи номинацияларда ўз мукофотларини таъсис этганлар:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси – “Оммавий ахборот воситаларида хотин-қизлар фаолияти ёритилган энг яхши материаллар учун”.

2. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши – 2 та номинация:

а) “Соғлом она ва бола йили” мавзусидаги энг яхши материал учун”;

б) “Ижтимоий шериклик мавзусидаги энг яхши материал учун”.

3. Ўзбекистон Мустиқил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди – 2 та номинация:

а) “Кекасаларни ёзозлаш йили” Давлат дастури ижросини кенг ва самарали ёритгани учун”.

б) “Энг яхши таҳлилий-танқидий материал учун”.

4. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси – “Орол денгизи ҳудудининг барқарор ривожланишида хотин-қизларнинг роли”.

5. БМТнинг Ахборот офиси – “Энг яхши ёшлар интернет наشري”.

6. “Худудий мулоқот” (Словения) – “Қонун устуворлиги ёритилган энг яхши материаллар учун”.

7. ЮСАИДнинг Ўзбекистонда сил касаллигига қарши кураш бўйича дастури – “Сил касаллигига қарши кураш масалалари ёритилган энг яхши материаллар учун”.

8. Германия Халқ университетлари DVV International халқаро ассоциациясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси – “Катталарни ўқитиш ва таълим бериш соҳасида ОАВдаги энг яхши материал учун”.

**Танлов шартлари:**

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташуви воситанинг қандай кўринишида бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши керак.

Радиозиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

**Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:** муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка); муаллифнинг тураржойи, уй ва иш телефонлари; паспорт нусхаси.

Танлов голибларини тантанали мукофотлаш маросими 2016 йил 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини “Туркистон” саройида ўтказилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди. Материаллар “Олтин қалам” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-й.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават. Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87 www.Journalist.uz



#### Дарвоқе...

Мустиқиллик туфайли қадриятларимиз қайта тикланиб, бошқа соҳалар каби киносаноатида ҳам туб бурилиш ясалди. Бу борада давлатимиз раҳбарининг “Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этди.

### БАҲОНИ ТОМОШАБИН БЕРАДИ

Ўтган йиллар давомида танқиди кинорежиссёрлар яратган ватанпарварлик руҳидаги миллий қадриятларимизни улуғловчи бир қатор кинофильмлар нафақат Ўзбекистонда, балки чет элларда ҳам эътироф этилди.

“Ўзбекино” Миллий агентлиги йил давомида 15 та баддий, 10 та мультипликацион, 20 қисмли ҳужжатли, илмий-оммабоп кинофильм, 60 соатлик ўқув-услубий видеофильмлар яратишни режалаштирган бўлиб, дастлабки 3 ойда 6 та

баддий, 2 та мультипликацион, 12 та ҳужжатли, илмий-оммабоп ва ўқув фильмлари, 2 та болалар юмористик киножурнали яратилди. Агентлик бюртмаси асосида ишлаб чиқарилган “Барон” (Рустам Саъдиев), “Хазонрезги” (З. Мусоқов) баддий фильмлари муҳокамадан ўтиб, жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди.

Шу билан бирга давр шиддати киножодкорлар зиммасига янгидан янги вазифалар юклагоқдаки, қалбларни гурур

ва ифтихорга тўлдирадиган ўзимизнинг киноларни яратиш борасида ҳали қилиниши керак бўлган ишларнинг қўплиги ҳам ҳеч кимга сир эмас.

“Ўзбекино” Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида ўтказилган матбуот анжуманида айнан шу мавзуда, миллий кинематография санъатини янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги режалар хусусида сўз борди. “Ўзбекино” Миллий агент-

лиги директори Отабек Мусоев шу кунгача амалга оширилган ишлар, янги киноасарлар, илмий-оммабоп ва ўқув фильмлари, уларнинг савияси, долзарблик даражаси ва ёш ижодкорлар учун яратилаётган шaroитлар ҳақида сўзлади.

Тадбирда шунингдек, Самарқандда бўлиб ўтган “Ўзбек миллий кино кунлари” фестивали, ёш киножодкорлар томонидан суратга олинган қисқа метражли фильмлар II Республика фестивали, “Европа киноноси кунлари” ва бошқа тадбирларни ўтказиш ҳақида маълумотлар берилди.

**Сайёра РИХСИЕВА, “Тошкент ҳақиқати” мухбири.**

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**  
Муассис:  
**Тошкент вилояти ҳокимлиги**

Бош муҳаррир  
вазифасини бажарувчи  
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

Маънавият:  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар  
кўчаси, 32.  
Электрон почта:  
thaqiqat@mail.uz

Телефонлар:  
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39,  
233-58-85 (факс).  
Бўлим муҳаррирлари ва  
мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.  
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.  
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.  
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир  
**Сайёра РИХСИЕВА**  
Навбатчи  
**НОЗИМА РАСУЛОВА**  
Саҳифаловчи  
**УМИД АБДУШОҲИДОВ**